

ИНТУИЦИЯ ВА БАШОРАТ МАСАЛАСИ

Надирова Зойира Паяновна
фалсафа фанлари номзоди, доцент.
ТАТУ Қарши филиали
“Гуманитар ва ижтимоий
фанлар” кафедраси мудири

Башорат борасида ҳозирги замон постпозитивистик фалсафасидаги танқидий рационализм йўналишининг йирик вакилларида бири Карл Поппер: “Келажак бизга қай даражада боғлиқ бўлса, уни шу даражада башорат қилиш мумкин.”¹ - деган эди.

Башорат, илмий башорат муаммоси олимларни қадимдан қизиқтирган муаммолардан биридир. Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё, Юнонистонда шаклланган фалсафий қарашларда башорат муаммосига дахлдор фикрлар кўплаб учрайди. Қадимги Ҳинд фалсафасида олдиндан кўриш амалий фаолиятга боғлиқ эканлиги, тажрибадан келиб чиққан ҳолда ўтмиш, ҳозир ва келажакда содир бўладиган воқеа ҳодисаларни башорат қилиш мумкинлиги ҳақида фикр юритилган.² Қадимги юнон файласуфлари Фалеснинг қуёш тутилиши ҳақидаги ғоялари бунга мисол бўла олади. Фалес башорат қилганидек, қуёш тутилиши Ионияда 585 йил 25 май куни содир бўлгани ҳақидаги тарихчиларнинг маълумоти бор.³ Башорат ҳақида қадимги Рим файласуфи Тит Лукреций Кар (мил.ав 96-55)нинг фикрича, табиатда содир бўладиган турли туман ҳодисалар, жараёнлар орасида алоқадорлик мавжуд. Ҳеч нарса ўз-ўзидан руй бермайди. Биз довулни келтириб чиқарадиган ҳаво қатламларини кўрмаймиз, лекин унинг вайрон қилувчилик кучини кўрамыз. Лукреций нарсаларнинг келиб чиқишини табиий сабабларга боғлайди; қуёшнинг, ойнинг тутилиши каби ҳодисаларнинг табиий сабаблари бор, бунинг учун сабабий алоқадорликларни очиш, тушуниш,

¹ Алексеев П.В., Панин А.В. Хрестоматия по философии: Учебное пособие. Издание второе, переработанное и дополненное. – М.: «Проспект» 1998 общ ст 358

² Фалсафа: энциклопедик лугат/ ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти. —Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. Б. 40

³ Ж.Туленов, С.Валиева. Илмий ижод методологияси. Низомий номидаги ТДПУ, Тошкент -2008. Б 59

нарс ва ҳодисаларнинг хосса ва хусусиятларини олдиндан билиш имконини беради¹, -деб ҳисоблайди.

Табиий ва ижтимоий ҳодисаларни билиш ва башорат қилиш масалалари Ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафий, табиий- илмий ва ижтимоий сиёсий қарашларида муҳим ўрин тутди. Ал-Хоразмийнинг математика, астрономия, география ва тарихга оид Абу Наср Форобийнинг фозил жамият, фозил давлат, инсониятнинг бахтли келажаги ҳақидаги, Абу Райҳон Берунийнинг геология илмига оид қарашлари ўзининг келажакка йўналтирилганлиги нуқтаи назаридан ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Бизнинг назаримизда, илмий билиш ва ижод нафақат келажакни башорат, балки уни онгли равишда бошқариши имконини беради. Шу маънода фаннинг эвристик маъносини “Башорат қилиш учун билиш, билиш учун башорат қилиш”² деб таърифлаш мумкин. К.Ж.Туленова таъкидлашича, ҳозирги давр жамият ҳаёти барча жабҳаларининг кейинги ривож илмий мулоҳазаларсиз ва унинг асосида келажакни илмий башорат қилиш, олдиндан кўра билишсиз мумкин бўлмайди³. Айтиш мумкинки, воқеалар давомийлигини олдиндан кўра билишлик, уларни мулоҳаза этиш, ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш фан мавжудлигининг зарурияти бўлиб, улар амалий фаолият учун хизмат қилади. Шунингдек, ҳар қандай фан илмий билимларсиз ўз маъносини йўқотиши мумкин. Ҳар қандай назариянинг қиммати унинг илмий башорат қилиш имкониятлари билан белгиланади. Илмий билиш ва ижтимоий билиш узвий бир бири билан боғлиқ тушунчалардир. Бизга маълумки, ижтимоий билиш – жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ҳақидаги объектив мазмунга эга билимни – ижтимоий ҳақиқатларни ҳосил қилади. Жамият ўз-ўзидан шаклланувчи, ўз-ўзидан ривожланиб боровчи ижтимоий тизим. Бу тизимнинг барча хусусиятлари кишилар фаолиятлари орқали намоён бўлади. Кишилар фаолиятлари

¹ С.А.Юлдошев. Антик фалсафа. –Т.: 1999.-Б.146.

² И.Саифназаров.Г.Никитченко, Б.Қосимов. Илмий ижод методологияси.”Янги аср авлоди” Т-.. 2004. Б 69

³ Туленова Карима. Предвидение и реальность. Государственное научное издательство “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” –Т.:1998. Б 40

моҳиятини англаш жамият ҳақида чин билимлар ҳосил қилиш имконини беради. Шунингдек, ижтимоий билиш ижтимоий эҳтиёж ва манфаатларни ўрганишга қаратилган бўлади. Ижтимоий манфаатларда тарихий зарурият ўз ифодасини топади. Тарихий заруриятни англаш жамиятдаги ўзгаришларнинг моҳиятини англаш асосида юзага келади. Ижтимоий билимнинг мазмунида жамият ҳаёти тўлалигича, барча алоқа ва муносабатларда яхлитлик, бир бутунлик сифатида акс этади. Шунингдек, ижтимоий билиш жамият ҳаётини тўғри англаш ва шу асосда онгли фаолият кўрсатиш имконини беради. Жамиятни билиш уни оқилона бошқариш ва келажак тараққиёти истикболларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий тараққиёт жамиятнинг ўтмишидан ҳозир орқали келажак сари илгарилаб боришдан иборат бўлган тарихий жараён ҳисобланади. Ижтимоий тараққиёт муаммосига турли ҳил назария ва ёндошувлар мавжуд бўлиб, улар асосан ижтимоий тараққиётнинг доиравийлиги ва тарихий айланма назарияси ҳамда ижтимоий тараққиётга формацион, цивилизацион, ва системали ёндошувлардан иборат. Бизнинг назаримизда, ижтимоий тараққиётга турлича ёндошувлар моҳияти бир тизимли, системали ёндошувга бориб тақалишини кўришимиз мумкин. Системали ёндошув ўз ичига яхлит жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олади ва у қонунлар асосида иш кўради. Айтиш жоизки, ҳозирги замон фани жамиятда юз бераётган барча ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳодиса ва жараёнлар муайян қонунлар асосида вужудга келишини, ривожланишини ҳамда қатъий қонуниятларга бўйсунушини кўрсатади. Бу қонунлар жамият қонунлари бўлиб, улар ижтимоий манфаатларда ўз ифодасини топади. Жамият тараққиётини унинг қонунлари асосида илмий тасаввур этиш - инсон онгида ижтимоий башорат тушунчасини шакллантириш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, илмий ва ижтимоий тараққиёт ва башорат тушунчаларининг уйғунлиги интуитив тафаккурда ўз ифодасини топади. Интуиция рационал ва иррационал тафаккур яхлитлигида акс этар экан, унда илмий ва ижтимоий билимлар қўйингики, инсон тафаккури, онги

ва руҳиятига боғлиқ бўлган барча ҳолатлар, хусусиятлар, шакллар яхлит тизимга солинган тарзда ўз аҳамиятига эга бўлади.